

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТУРИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Камолиддин Асомиддинович ЖАҲОНГИРОВ

стажёр ўқитувчи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада бугунги кунда бутун дунё ёшлари орасида оммалашиб бораётган таълим туризми ҳамда унга олимлар томонидан берилган таърифлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мамлакатимиз таълим туризми салоҳияти ҳамда унга хорижий талабаларни жалб қилиш имкониятлари баён қилинган. Хулосада, юртимизда таълим туризмини ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: халқаро туризм, таълим туризми, масофавий таълим, иқтисодий омиллар, импорт, алмашлаб ўқиш, “Student visa”, либераллаштириш, концепция, экспорт, когнитив.

ВАЖНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ТУРИЗМА В РАЗВИТИИ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Камолиддин Асомиддинович ЖАҲОНГИРОВ

учитель-стажер

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье говорится об образовательном туризме, который сегодня становится популярным среди молодежи во всем мире, и определениях, данных ему учеными. Также приводится характеристика образовательного туристического потенциала нашей страны и возможности привлечения иностранных студентов. В заключение приводятся предложения по развитию познавательного туризма в нашей стране.

Ключевые слова: международный туризм, образовательный туризм, дистанционное образование, экономические факторы, импорт, обучение по обмену, «студенческая виза», либерализация, концепция, экспорт, когнитив.

Бугунги тараққий этган даврда халқаро туризм ҳажми ва чегараларининг кенгайиши, жадал ўсиши, жаҳон туризм саноатининг шиддат билан ривож топиши, унинг жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғига кириб бориши ривожланган мамлакатлар халқаро туристик ташкилотларини яратишни талаб қилмоқда. Жумладан, таълим туризми соҳасида ҳам.

“Таълим туризми” атамаси туризм бозори тузилмасида нисбатан янги пайдо бўлган тушунча ҳисобланади. “Таълим туризми” тушунчаси замонавий адабиётларда турлича талқин этилади ҳамда таърифланади. Хусусан, рус иқтисодчилари И.В.Зорин ва В.А.Кварталновлар таълим туризмига таълим мақсадида сайёҳлик, экскурсиялар, қизиқишни қондириш ва бошқа когнитив қизиқишларни амалга ошириш учун бошқа давлатга ташриф буюриш, деб таъриф берганлар [4].

Машҳур рус иқтисодчиси Э.А.Лунин эса таълим туризмига 24 соатдан 6 ойгача бўлган даврда даромад олиш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланмасдан балки, таълим олиш, малака ошириш учун (умумий, махсус, кўшимча) курслар, стажировкалар шаклида саёҳат қилиш, деб таъриф берган [2].

Адабиётларда ўзбекистонлик олимларни ҳам таълим туризмига берган таърифларини учратишимиз мумкин. Жумладан, И.С.Тухлиев фикрича, таълим туризми – бу ўқиш, малака ошириш мақсадидаги саёҳат тури бўлиб, туризмда нисбатан янги тушунча ҳисобланади. Ҳозирда, таълим туризмида кўпроқ тил ўрганиш учун қилинган сафарлар оммавийлашмоқда [3].

М.Р.Болтабаев эса таълим туризми (илмий туризм) ўқиш, таълим олиш, малака ошириш мақсадида сафар қилиш бўлиб, туризмнинг нисбатан янги турлари сафига киради [1] деб таъриф берган.

Ушбу туризм тури туризмнинг янги мустақил йўналиши бўлиб, ҳозирги кунда анча тараққий этди ҳамда бутун дунё иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатадиган жаҳон иқтисодиётининг янги соҳасига айланиб улгурди. Ҳатто, баъзи ривожланган мамлакатларда таълим туризми яхши даромад олиш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини беради ҳамда фуқароларнинг иқтисодий ривожланиши ва фаровонлигининг юқори даражасини таъминлайди. Мисол учун АҚШ олийгоҳларига таълим олиш мақсадида ташриф буюрган чет эллик талабаларнинг умумий сони 2019 йилда 1095299 нафарни ташкил этган, бу АҚШ талабалар умумий сонининг

5,5 фоизини ташкил қилган бўлиб, жами дунёнинг 62 та мамлакатидан чет эллик талабалар келиб таҳсил олишган [9].

Бугунги кунда таълим туризми энг истиқболли ва фаол ривожланаётган туризм соҳаларидан бири сифатида дунё мамлакатларининг иқтисодиётини тараққий эттирмоқда. Мамлакатимизнинг ҳам туризмнинг бу турини шакллантиришда ҳар қандай хорижий мамлакатлардан қолишмайдиган имкониятларга эгаллиги, бу борада кўплаб муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозир жами 212 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, ўз фуқароси бўлган талабалардан ташқари хорижлик таҳсил олувчиларга ҳам таълим бериб келмоқда. Олий таълим даргоҳларининг 37 таси университетлар, 48 таси институтлар, 4 таси академиялар, 26 таси филиаллар, 1 таси консерватория, 30 таси чет эл олий таълим муассасаларининг филиаллари, 66 таси нодавлат олий таълим муассасалари ҳисобланади [5].

Ушбу олий даргоҳларда ҳозир бакалаврият босқичида 943000 нафар ҳамда магистратура мутахассислигида эса 25000 нафар ўз фуқароларимиз бўлган талаба ёшлар таҳсил олишмоқда [5]. Шунингдек, 2019/2020 ўқув йилида 3593 нафар, 2020/2021 ўқув йилида 4219 нафар, 2021/2022 ўқув йилида эса жами 5140 нафар хорижий талабалар Ўзбекистон Республикасидаги олийгоҳларда таҳсил олишган [8].

Юқоридаги маълумотлардан билишимиз мумкинки, хорижий талабаларнинг мамлакатимиз олий таълим муассасаларига қизиқиши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда юримизда таълим соҳасини ривожлантириш ва уни экспорт қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълим туризмини ривожлантириш мақсадида чет эллик талабаларни мамлакатимиз олийгоҳларида таълим олиш учун жалб қилиш йўлида юртимиз олийгоҳларини Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education, Academic Ranking of World Universities каби нуфузли

агентликлар рейтингда биринчи 1 000 талик ўринлардан жой олишлари учун қилинаётган ишлар шулар жумласидан ҳисобланади.

Ҳозир “ТОР-1000” талигидан ўрин олган ОТМлар сони бўйича АҚШ 151 та, Буюк Британия 84 та, Германия 45 та ва Япония 41 та ОТМ билан етакчилик қилиб келмоқда.

Шу боисдан, ҳам Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида республикамиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education yoki Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш назарда тутилган. Шу мақсадда ЎЗМУ, ТИҚХММИ, ТДТУ, ТАТУ, СамДУ, ТДАУ, УрДУ, ТТА, Турин политехника университети, ҚҚДУ каби олий таълим муассасалари танлаб олиниб, уларни халқаро рейтингга киритиш режалаштирилган.

Булардан ташқари, 2019 йилнинг 5 январида “кенг қамровли” ҳужжат, 2019–2025 йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳам қабул қилинди. Мазкур концепцияда виза режимини янада либераллаштириш ҳам кўзда тутилган бўлиб, хусусан, “Student visa” Ўзбекистондаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган хорижлик талабалар учун бериладиган бир йиллик виза режимлари ҳам кўриб чиқилди.

Бироқ ҳозирги кунда таълим туризмида мамлакатимиз олийгоҳларида хорижий талабаларнинг контингенти анча паст даражада, талаб ҳам кам, алмашлаб ўқиш, хусусан, “икки диплом” дастурига келсак, таълимни экспорт қилишдан кўра уни импорт қилиш даражаси анча юқори ҳисобланади. Бунга мамлакатимизда таълим туризми билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжудлиги ва улар ўз ечимини топиши зарурлиги сабабдир. Булар қуйидагилар:

биринчидан, олий таълим муассасаларида илмий салоҳият даражасининг пастлиги, таълим даражасининг бугунги тараққий этган давлатлар билан таққослаганда бирмунча орқада қолаётганлиги;

иккинчидан, олий даргоҳларнинг яъни ўқув бинолари, жиҳозларининг, хусусан компьютер ва шу каби техника воситалари, лаборатория хоналарининг дунё стандартларига жавоб бера олмаслиги ҳамда талабалар тураржойининг етишмаслиги, борлари ҳам аксарияти таъмирталаб эканлиги;

учинчидан, тил билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши;

тўртинчидан, иқтисодий омиллар бўлиб, бунда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тараққий этган давлатлардан паст даражада эканлиги.

Хорижий талаба ёшларни мамлакатимиз олийгоҳларида таҳсил олиш мақсадида ташриф буюришларида юқорида келтирилган омиллар жиддий тўсиқ бўлиб турибди. Биргина талабалар тураржойи билан боғлиқ муаммолар хатто ички эҳтиёжни, яъни ўз фуқароларида бўлган талабарни ҳам қамрай олмаслиги билан боғлиқ камчиликларнинг борлиги таълим туризми ривожига жиддий тўсиқ бўлиб турибди. МДХ давлатларидан Россия Федерациясини кўрадиган бўлсак, талабалар хусусан, чет эллик талабалар учун талабалар тураржойи, унинг инфратузилмаси жуда ажойиб ташкил этилади. Жумладан, талабалар тураржойи оддий жойлашиш ўрнига кўра ҳам олий таълим муассасасига, кўнгилочар жойлар: боғлар, санъат марказлари, спорт мажмуалари, театр ва кино масканлари, сув ҳавзаларига ҳар томонлама яқин ёки транспорт воситаларида бориш жуда қулай ва арзон нархларда етиб олиш имконини инобатга олиб қурилади. Бу оддий нарсаси кўриниши мумкин, лекин хорижий ёшларни бу омил ўзига жалб этмасдан, қизиқтирмасдан қолмайди. Биз ҳам бу тажрибани инобатга олиб амалиётга тадбиқ этсак, яхши самара бериш эҳтимоли юқори бўлади.

Республикаимиз таълим салоҳияти, иқтисодий ва ижтимоий турмуш даражаси жиҳатидан қўшни республикалардан қолишмайди ва улар билан рақобатлаша олиш имкониятини ҳисобга оладиган бўлсак, қўшни давлатлар ёшларини мамлакатимиз олийгоҳларига қизиқтиришимиз ва шунинг ҳисобига хорижий талабалар контингентини кенгайтиришимиз мумкин. Бунда диннинг бир эканлиги, урф-одатлар ва маданиятларнинг ҳамда

тилнинг яқин эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бу жараёнда муаммолар бирмунча кам бўлади.

Ўзбекистон олийгоҳлари қадимийлиги жиҳатидан ҳам Марказий Осиёдаги қўшни республикаларни ортда қолдиради, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ташкил топган 1918 йилда қўшни давлатларнинг бирортасида олий таълим муассасалари бўлмаган. Ҳатто Қозоқ миллий педагогика университети ҳам 1928 йилда ташкил этилган [7].

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ўзбек олимлари олдиндан ҳам қўшниларимиздан анча илмли ва салоҳиятли бўлган. Тарихга назар солсак, тиббиёт, математика, астрономия ва ислом олами тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимиз салмоқли топилади. Шуларни инобатга олиб ҳам бу соҳаларни тараққий эттириш ва уларнинг бевосита меросхўрлари сифатида ушбу соҳаларда таълим йўналишларини шакллантириш ҳамда қўшни республикалар ва диндош давлатлар ёшларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, илоҳиёт илмини ўрганиш учун кўпчилик ислом мамлакатларидан талабалар Туркия, Миср каби давлатларга боришади. Ҳатто, юртимиз ёшлари орасида ҳам бу контингент даражаси юқори.

Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти каби олийгоҳларда илоҳиёт соҳасида таҳсил берадиган таълим йўналишларини ташкил этиш ҳамда таълим дастурлари яратиш самарали натижа беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, бунга қўшни республикалардан ташқари қардош давлатлар бўлган Туркия, Озарбайжон мамлакатлари, бундан ташқари араб давлатлари ва аҳолисининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган мамлакатлардан Малайзия каби давлатлар ҳам катта қизиқиш билдиради ва бунга жавоб тариқасида талаба ёшлари таҳсил олиш учун республикамизга ташриф буюришади.

Шунингдек, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида хорижий талабалар учун масофавий таълим йўналишларини кўпайтириш ҳам самарали

бўлиши мумкин. Чунки, таълим соҳасида масофавий ўқитишнинг ижобий томонлари жуда кўп. Булар қуйидагилар:

- талабаларнинг ўз салоҳият даражаси бўйича ўрганиш имконияти (видеомаърузаларни қайта кўрган ҳолда дарсларни яхши ўзлаштириш);

- ҳар қандай жойда ўқиш имконияти (талабалар дунёдаги исталган жойдан туриб хоҳласа ўз уйидан ёки талабар ишхонасида туриб бемалол ўқиши мумкин, бу айниқса бошқа давлатларнинг олийгоҳларида таҳсил олишни истаган ёшларга катта қулайлик яратади);

- асосий фаолиятни тўхтатмасдан таълим олиш (бунда таълим олувчининг ўқиш учун иш жойидан бўшаш ёки таътил олишига ҳожат қолмайди, шунингдек, ўрганган нарсасини тезда амалиётда, яъни иш фаолиятида қўллаш имконияти мавжуд бўлади);

- масофавий таълимнинг арзонлиги ва тўлов шартнома шартларини амалга оширишдаги қўлайликлар (талаба саёҳат, тураржой учун пул тўламайди ва чет эл университетлари мисолида виза ва халқаро паспорт учун пул сарфлашнинг ҳам ҳожати бўлмайди ҳамда тўлов-контракт пулини онлайн пул ўтказиш йўли билан амалга оширади).

Статистик маълумотларга кўра бутун дунёда масофадан туриб таълим бериш жараёнидан тушадиган даромаднинг улуши 2011 йил 120 миллиард АҚШ долларидан ошган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 215 миллиард АҚШ долларига етган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 2,3 триллион долларга етиши кутилмоқда [8].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, дунё аҳолисининг масофадан туриб таълим олишга бўлган талаби йил сайин ошмоқда, ундан давлат бюджетига тушадиган даромад ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон таълим туризми келажакда тараққий этиши, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан самарали ютуқларни қўлга киритиш имконияти, салоҳияти юқори бўлган давлат ҳисобланади. Тарихий қадамжойларининг кўп ва жозибадорлиги, кўнгилочар жойларининг кўплиги билан ҳам мамлакатимиз

хорижий талабаларни ўзига қизиқтириши ва ўқиш истагида уларни ташриф буюришларига ундаши мумкин. Фақатгина бу имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Юқорида келтирилган фикрларни инобатга олиб хулоса сифатида куйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- хорижий талабаларга қулайликлар яратиш ва уларни жалб қилиш мақсадида грантлар ва стипендиялар ташкил қилиш, тўғри грант ажратилса, унда давлатга қандай фойда келади деган савол пайдо бўлиши табиий, бунда грант ютган талаба ортидан унинг ота-онаси, дўстлари ва бошқа яқинлари ҳам Ўзбекистонга ташриф буюриши эҳтимоли юқори ҳисобланади;

- қўшни республикалар ҳамда дини бир ва тили яқин бўлган бошқа кардош давлатлар билан шартнома тузиб, ҳар йили “Ўзбекистон таълим кунлари” номли фестиваллар ташкил этиш ҳамда бу фестивалда Ўзбекистоннинг энг нуфузли олийгоҳларини реклама қилиш;

- талабалар тураржойларини хусусий секторларга бериш орқали уларнинг сонини кўпайтиш ҳамда тўлов миқдорини минималлаштириш ҳамда бу нархни давлат томонидан доимий назорат қилиб бориш;

- жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган замонавий қулайликларга эга ҳамда бепул кутубхоналарни қуриш ёки борларини қайта таъмирлаш ҳамда уларнинг 24/7 тизимида ишлашини таъминлаш;

- мамлакатимиз олий таълим муассасаларида хорижий талабалар учун масофавий онлайн таълимни янада ривожлантириш ва мазкур йўналиш бўйича бериладиган диплом, сертификатнинг юридик кучга эга бўлишини таъминловчи меёрий ҳужжатлар билан тасдиқлаш чораларини кўриш.

Умид қиламизки, мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонга таҳсил олиш учун келадиган хорижий талабаларнинг сони кескин кўпаяди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида туризмнинг улуши ортишига, шунингдек Ўзбекистоннинг жаҳон туристик бозорида ўз ўрнига эга бўлишига улкан ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., С.А.Абдухамидов Туризм: назария ва амалиёт – Тошкент: Баркамол фойз медиа, 2018. – 59 б.
2. Лебедев А.Р. Образовательный туризм как экономическая категория, 2012 г. <https://cyberleninka.ru>
3. Маматқулов Х.М., Тухлиев И.С., Бектемиров А.Б. Халқаро туризм. – Тошкент, 2008.
4. Соколова М.В. Туризм как культурно-исторический феномен, Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора культурологии, Москва, 2007 г, <https://www.dissercat.com>
5. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти// <https://edu.uz/uz/otm/index> (Murojaat qilingan sana: 23.11.2023).
6. Ўзбекистонда қанча хорижлик талабалар таҳсил олмоқда? // https://t.me/statistika_rasmiy/2445
7. Ўзбекистон университетлари TOP-1000 таликка қачон киради? // <https://daryo.uz/2019/01/15/o'zbekiston-universitetlari-top-1000-talikka-qachon-kiradi>
8. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ўқитиш тизимлари ва амалий имкониятлари // <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-ta-lim-muassasalarida-masofaviy-ta-limni-o-qitish-tizimlari-va-amaliy-imkoniyatlari>
9. College Enrollment & Student Demographic Statistics // <https://educationdata.org/international-student-enrollment-statistics>